


ТАСДИҚЛАЙМАН

Бувайда тумани мактабгача таълим

бўлими мудири

 Д.Нурматова

2022 йил

Бувайда тумани мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги
4-мактабгача таълим ташкилоти хожатхона биносини жорий тамирлаш
ишлари бўйича
ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

№	Асосий маълумотлар	Иштирокчилар учун маълумотлар
1	Махсулот номи	Жорий тамирлаш
2	Буюртмачи	Бувайда тумани мактабгача таълим бўлими
3	Буюртма учун асос	Бувайда тумани мактабгача таълим бўлими тасарруфидаги 4-мактабгача таълим ташкилоти хожатхона биносини жорий тамирлаш
4	Махсулот етказиб бериладиган манзил	Фарғона вилояти Бувайда тумани
5	Қатнашувчилар учун талаблар	Танлаш хужжатларида кўрсатилган ишларни сифатли ва қисқа муддатларда бажариб бериш.
6	Тижорат таклифи тақдим этиши шартлари	Ташкилот низоми ва руихатдан ўтказилгани тўғрисида гувохнома, соликдан ва бошқа мажбурий тўловлардан карзи йуклиги тўғрисида, кайси турдаги солик тўловчи эканлиги тўғрисида, ташкилотни балансида мавжуд машина механизмлари тўғрисида, пудратчининг қурилиш вазирлиги махсус электрон проталида рейтинги мавжудлиги тўғрисида, инженер ва техник ходимлар тўғрисида маълумотлар тақдим этиши шарт.
7	Бажарилган ишлар хисоб китоби	Бажарилган ишлар далолатномасига мос холда тўланади
8	Иш тури	Жорий тамирлаш
9	Ишни бажариш муддати	Шартнома имзоланиб олдиндан 30% тўлов ўтказилгандан сўнг 20 кун муддат ичida бажариш.
10	Техника хавфсизлиги бўйича талаблар	Ишни бажариш жараёнида техника хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ риоя қилишлари шарт.
11	Молиялаштириш манбаси	Бюджет маблағлари хисобидан
12	Бажариладиган ишлар қиймати	86 264 493 (Саксон олти миллион икки юз олтмиш тўрт минг тўрт юз тўқсон уч) сўм



Мактабгача таълим бўлими

мудири:

Д.Нурматова

« » 2022 йил

**БУВАЙДА ТУМАНИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ БЎЛИМИ
ТАСАРРУФИДАГИ 4-МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТИ
ХОЖАТХОНА БИНОСИНИ ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ**

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

№	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Буюрмачи	Бувайда тумани мактабгача таълим бўлими
2	Лойихачи	“VODIY MEGA PROEKT”МЧЖ
3	Лойиха амалга ошириш учун асос	Ўзбекистон Республикаси 2021 йил 30 декабрдаги “2022 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тұғрисида” ги ЎРҚ -742-сон Конуни
4	Таъмир тури	Бувайда тумани Мактабгача таълими бўлими тасарруфидаги 4-мактабгача таълим ташкилоти хожатхона биносини жорий таъмирлаш
5	Обект жойлашган жойи	Бувайда тумани Бувайда қишлоғи
6	Молиялаштириш манбайи	Бюджет
7	Эълон беришдан максад	-Курилиш ташкилотини аниқлаш
8	Ишни бажариш муддати	30 (ўттиз) иш куни
9	Лойихани алоҳида шартлари	ШНҚ.2.05.02-07,ШНҚ 4.02.-05, ИҚН 86-13
10	Ногиронлар ва чекланган имкониятларга эга ахолининг яшаш шароитларини таъминлашга қўйиладиган талаблар	Амалдаги маъёрий хужжатларга мувофиқ
11	Курилиш мураккаблий даражаси-III	Обектнинг мураккаблик даражаси-III
12	Обектнинг молиялаштириш	Бўнак-30%; жорий молиялаштириш –бажарилган ишларнинг хажмидан 70% миқдорида молиялаштирилади
13	Иш бажарилгандан кейин буюртмачига тақдим этиладиган хужжат турлари	Иш бажарилгандан сўнг Форма 2. З шакллар тақдим этилади

14	Тақдим этиладиган хужжатлар	-Танловда иштирок этиш учун таклифни давлат тилида ва заруриятта қараб , бошқа тилларда тайёрлаш мажбурийлиги тұғрисида талаб; -Ташкилот низоми ва руйхатдан үтказилгани тұғрисида гувохнома, соликдан ва бошқа мажбурий тұловлардан карзы йуклиги тұғрисида, кайси турдаги солик тұловчи эканлиги тұғрисида, ташкилотни балансида мавжуд машина механизмлари тұғрисида, пудратчининг курилиш вазирлиги маҳсус электрон проталида рейтинги мавжудлиги тұғрисида, инженер ва техник ходимлар тұғрисида маълумотлар тақдим этиши шарт. -Қонунга мувофиқ таклифларни баҳолаш мезонлари ва құриб чиқиши тартиби; -Танлаш иштирокчилари томонидан коррупсия қўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш мажбурийлиги хақидаги тала
15	Бажариладиган ишлар қиймати	86 264 493 сўм ҚҚС билан
16	Бажарилган ишлар хисоб китоби	Бажарилган ишлар далолатномасига мос холда тўланади

МТБ инженери:

Н.Хошимов

ТАСДИҚЛАЙМАН

Бувайда тумани Мектебгача таълим бўлими
мудири Саксон Абдул Нурматова

2022 йил

Етказиб берувчи ташкилотни танлаб олиш учун ТАНЛАШ ХУЖЖАТЛАРИ

Танлаш хужжатларининг мазмуни:

- I. Танлаш иштирокчилари учун йўриқнома
- II. Техник қисм
- III. Нархлар қисми

ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛАШ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.2. Танлаш қиймати: Бувайда тумани Мектебгача таълим бўлимига қарашли 4-мектебгача таълим ташкилоти хожатхона биносини жорий тамирлаш ишлари учун қиймати 86 264 493 (Саксон олти миллион икки юз олтмиш тўрт минг тўрт юз тўқсон уч) сўм ни ташкил этади. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Ишларни бажариш муддати:

Шартнома имзолангандан сўнг 20 иш куни давомида буюртмачи томонидан кўрсатилган тамирлаш ишларини тўлиқ таъминлаш.

1.4 Ишларни бошлиш муддати – шартнома Фазначилик бўлимида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг томонларнинг келишувига асосан 20 кун муддат ичida етказиб берилиши шарт. (бунда: об-ҳаво ёки шунга ўхшаш ҳолатлар ўрганилади).

2. ТАНЛАШ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Бувайда тумани Мектебгача таълим бўлими (бундан кейин – “Буюртмачи” деб аталади) - танлаш ташкилотчиси хисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Бувайда тумани Мектебгача таълим бўлимига қарашли 4-МТТ.

2.2. Танлаш “Буюртмачи” томонидан танлаш ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлаш Бувайда тумани Мактабгача таълим бўлими - “Буюртмачи” томонидан гузилган харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танлашда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар ҳамда жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркорлар)лар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танлашда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар куйилади:

танлаш предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳукукий лаёқат ва ваколатлар;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлаш предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танлашда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Кўйидаги талабгорларга танлаш жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилингандар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон қўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танлашлар ўтказиш учун жойлаштириши лозим.

4.2. Танлаш учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлаш хужжатларида куйидагилар тақдим этилиши лозим:

• Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва етказиб бериладиган маҳсулотлар кўрсатилиши керак;

• Нархлар қисми, танлаш шартларида белгиланган нархлар доирасида, маҳсулотларни етказиб бериш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлик кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4. Танлаш иштирокчиси:

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳакконийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳукукига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йигилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.2. Танлаш муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор маҳсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар
- 6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.
- 6.3. Танлаш иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлаш хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танлашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танлашда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлаш хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида уч кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлаш иштирокчиси танлаш хужжатлари қоидаларини танлаш ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишига ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичida давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлаш хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичida маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танлашнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлаш натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишига ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичida танлаш иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлаш натижалари бўйича шартнома танлаш хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлаш иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.